ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00911

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИГА МУНОСАБАТ ЁХУД “АТВОҚУЗ ЗАҲАБ”НИ ЎРГАНГАН ҒАРБЛИК ОЛИМ

Ихтиёр Мадиримович Бабаназаров
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети мустақил тадқиқодчиси
sapayev-2017@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Шарқ оламининг машхур алломаларидан бири бўлган Маҳмуд аз Замахшарий ижоди ва уни тадқиқ етган буюк олмон олими Йозеф фон Ҳаммернинг илмий изланишлари таҳлил қилинган. Асарнинг таржима қилиниши ва унинг ўзига хос ҳусусиятлари, бутун Европада асар машҳурлигига сабаб бўлган ушбу таржиманинг алоҳида жиҳатлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: тафсир, ҳадис, фиқҳ, наҳв, балоғат, фасоҳат, бадиъ ва баён, руҳий тарбия ва ахлоқ, адабиёт ва шеърият, Жоруллоҳ, қоплама,таржима, улкан маданий мерос, адабий манбалар.

MAHMUD ZAMAKHSHARI'S RELATIONSHIP WITH THE SPIRITUAL HERITAGE OR STUDYING "ATVOKUZ ZAHAB" WESTERN SCIENTIST

ABSTRACT

This article analyzes the work of Mahmud az Zamakhshari, one of the most famous scholars of the Eastern world, and the scientific research of the great German scholar Joseph von Hammer, who studied it. The translation of the work and its peculiarities, the special aspects of this translation, which led to the popularity of the work throughout Europe, are considered.

Keywords: tafsir, hadith, fiqh, nahv, puberty, eloquence, fiction and narration, spiritual education and ethics, literature and poetry, Jarullah, cover, translation, great cultural heritage, literary sources.

КИРИШ

Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий мероси асрлар давомида Шарқ ва Ғарб тадқиқотчиларининг диққат марказида бўлган. Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақидаги кўплаб муаррихлар хусусан, Самъоний, Ёқут Ҳамавий, Ибн Халликон, Ибн Қутлубғо, Жалолуддин Суютий, Тошкўприлизода, Ҳожи Халифа Чалабий, Абдулҳай Лакнавий, Зириклий каби олимлар ўз асарларида қимматли

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00911

маълумотлар қолдирганлар. Ғарб олимларидан Йозеф Фон Ҳаммер, Гейнрих Леберехт Флайчер, Густав Вайл, Барбиер де Мейнард, Брокельман, Гибб, Крачковский, Белкин ва бошқалар Замахшарий шахсияти ва асарлари билан жиддий қизиққанлар. Маҳмуд Замахшарий тафсир, ҳадис, фиқҳ, наҳв, балоғат ва фасоҳат, бадиъ ва баён, руҳий тарбия ва ахлоқ, адабиёт ва шеърият соҳасида келажак авлод учун буюк маънавий мерос қолдирган олимлардан саналади.

Шундай манбалардан бири – “Атвоқуз заҳаб фил маваъизи вал хутаб” (“Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари”) асаридир. Адаб илмининг амалий намунаси бўлган мазкур асар зуҳд ва чиройли ахлоққа, ёмонликларни тарк этиш ва яхшиликка буюрувчи насиҳат ва кўрсатмалардан иборат юзта мақолат (турли мавзудаги ҳикматли адабий парчалар)ни ўз ичига олади. “Атвоқуз заҳаб фил маваъизи вал хутаб” асарининг ёзилиши ажиб бир ҳолат билан боғлиқ. Уламолар орасида “Жоруллоҳ” (Оллоҳнинг қўшниси) номи билан танилган Замахшарийнинг бу китоби Каъба тавофи асносида дунёга келган. У зот Каъбани ҳар тавоф қилганида битта мақолатни қоғозга тушириб, шу тарзда мақолалар сонини юзга тўлдирган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Замахшарийнинг “Атвоқуз заҳаб” асари бир неча марта дунёнинг турли ўлкаларида нашр этилган бўлиб, қуйида 1835 йили олмон олими Йозеф фон Ҳаммер томонидан немис тилига қилинган таржимаси ҳақида тўхталамиз. Аввало, бу олмон олимининг таржимаи ҳоли ва ғарб илми оламида тутган ўрни ҳақида айрим маълумотларни келтирсак.

Йозеф фон Ҳаммер-Пургсталл (*тўлиқ исми: Жозеф Фрейҳерр фон Ҳаммер-Пургсталл*) - австриялик тарихчи - шарқшунос ва дипломат, шарқ адабиётининг тадқиқотчиси ва таржимони. Венадаги Шарқий тиллар императорлик академиясини тугатган[1]. У юнон, лотин, француз, итальян, араб, форс ва турк тилларини билган. 1796 йилдан 1807 йилгача - дипломатик хизматда бўлган. 1799 йилда Истанбулда хизмат қилган. 1800 йилда у инглизларнинг французларга қарши ҳарбий амалиётида таржимон сифатида қатнашган. Лондонга ташриф буюриб, у ерда инглиз тилини ўрганган. Бир мунча вақт Парижда ишлаб, Силвестр де Сасй билан учрашган. Кейин Молдавияда (Яси шаҳрида) яшаган. Ватанига қайтиб келгандан сўнг, Вена судининг маслаҳатчиси бўлиб ишлаган. 1835 йилда графиня Пургсталлнинг меросхўри сифатида “барон” унвонини олган.

Йозеф фон Ҳаммер-Пургсталл 1839 йилда дипломатик хизматни тарк этиб, ўзини тарих ва адабиётшунослик бўйича илмий изланишларга бағишлади. У Австрия Фанлар академиясининг асосчи сифатида академиянинг биринчи президенти бўлган (1847-1849). Шунингдек, у Франция ёзувлар ва тасвирий адабиёт академияси ҳамда Петербург Фанлар академиясининг чет эллик фахрий аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатган. 1959 йилда ташкил топган Австрия Шарқшунослик Жамияти “Йозеф фон

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00911

Ҳаммер-Пургстал” номи билан аталган. 1981 йилда олим вафотининг 125 йиллигига бағишлаб, унинг тасвири туширилган почта маркаси чиқарилган.

Йозеф фон Ҳаммер-Пургсталнинг қуйидаги тарихий асарлари машҳур: “Қотиллар тарихи” (1818), 10 жилддан иборат “Усмонли империяси тарихи” (1827-1835), “Араб адабиёти тарихи” (1850-1856). “Қипчоқдаги Олтин Ўрда тарихи ёки Россиядаги мўғуллар” (1837-1840).

Тарихий асарлардан ташқари, Йозеф фон Ҳаммер-Пургсталл араб, форс ва турк тилларида битилган асарларни таржима қилган. Жумладан, Ҳофизнинг "1001 кеча эртаклари" ва "Девон" асарларини таржима қилиб, машҳур немис адиби ва шоири Гёте ижодига катта таъсир кўрсатган. У Ғарбий Европада биринчи бўлиб Фузулий ҳақида хабар берган. Қоҳирада наботей муаллифи Ибн Вахшийнинг "Яширин иероглифлар ва алифболар" ҳақида қўлёзмасини сотиб олиб, уни 1806 йилда Лондонда таржима қилган ва нашр этган. Бир қатор қадимий ёзувлар ва Миср иероглифларини очиб, мисршуносликнинг шаклланишига ҳисса қўшган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Йозеф фон Ҳаммер-Пургсталл буюк аллома Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқуз заҳаб фил мавоиъзи вал хутаб” асарини немис тилига таржима этиб, алломани ва унинг мазкур асарини бутун ғарб оламига танитган шахсдир. Мазкур таржима “Samachschari's Goldene Halsbänder” номи остида 1835 йилда немис ва араб тилидаги алоҳида матнлари билан Вена шаҳрида нашр этилган. Бу Замахшарийнинг “Атвоқ уз-заҳаб” мақолалар тўпламининг немис тилига биринчи таржимаси ва биринчи литографик нашри эди. Тошбосма асарнинг арабча матни 60 бетдан, немис тилидаги таржима матни эса 54 бетдан иборат[2]. Муқоваси қаттиқ, қопламаларнинг зарҳал қирралари яшил қўшимчалар билан зарҳалланган, сарлавҳа саҳифаси ва муқова мармар фони билан ажралиб туради. Муқованинг юз тарафи бироз ишқаланган бўлиб, ички тарафи жигаррангда.

Араб тилидаги матнинг ёзуви насх хатида кўчирилган. Биринчи бет гулсимон нақшли доира билан безатилган, гулсимон нақшлар орасида асар номи ва муаллифи ёзилган:اطواق الذهب الزمخشري


Иккинчи бет гулсимон тўртбурчак нақш билан зийнатланган бўлиб, нақш орасида بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ ёзуви битилган. Бетнинг давомида муаллиф муқаддимаси бошланади:

قال الشيخ الامام الاجلّ الزّاهد الكامل البارع
جار الله العلّامة استاذ الدنيا رئس الافاضل شيخ
العرب و العجم ابو القاسم محمود بن عمر بن محمد الزّمخشري

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00911

Дунё устози, фозиллар раиси, араб ва ажамларнинг устози, катта имом, зоҳид, комил ва моҳир аллома Жоруллоҳ Абул Қосим Маҳмуд ибн Муҳаммад аз-Замахшарий айтадилар...[3]

Муқаддимадан кейин мақолалар кетма-кетликда жойлаштирилиб, биринчи мақола 1 рақами ва المقالة сўзи билан бошланган. Кейинги мақолалар фақат рақам билан белгиланган ва охирги мақола 99 рақами билан белгиланган ва унга 100-мақола қўшилиб кетган. Шунинг учун охирги мақола 100 рақами билан ажратилмаган[4]. Балки айни ҳолат Йозеф Фон Ҳаммер фойдаланган қўлёзма матни билан боғлиқ бўлиши мумкин. Йозеф Фон Ҳаммер мазкур китобнинг хулоса қисмида шундай ёзади:


تمّت المقالات بعون الملك الوهّاب اللغات
بدار الطباعة النعامية و هي للطبع و الترقيم دار النعيم
في مدينة صاحبة السعادات و الشمامات اي في مدينة وين
هي شمّ العرانين صانها الله عن الافات دهر الداهرين
في اليوم المهرجان لسنة اربع و ثلاثين و ثمانماية والف
بعد الميلاد حضرت عيسي عليه اكمل التحايا اعني في اليوم
الثاني عشر من شهر جمادي الاولى لسنة خمسين و مايتين
و الف بعد الهجرة حضرت محمد عليه تسليمات الاصفي
وهذا على يد الفقير الى ربّه القدير و للاجابة جدير يوسف بن حامر

Таржимаси: “*Ушбу мақолотлар жумла жаҳоннинг Эгаси, Подшоҳи бўлган, барча халқларга уларнинг тилларини ато қилгувчи Зот ёрдами ила саодатли Вена шаҳрида (Аллоҳ уни узун замонлар турли офатлардан асрасин), чоп қилиш ва мақолаларни рақамлаш учун белгиланган “Дорун наим” нашриётида 1834 милодий сана Меҳржон 12-жумадул аввал куни, Ҳазрат Муҳаммаднинг (унга саловот ва саломлар бўлсин) ҳижратидан 1250 сана кейин ҳар ишга қодир Парвардигорига муҳтож, дуоларининг мувофиқ суратда ижобат бўлишига зор фақир мутаржим Юсуф (Йозеф) Фон Ҳаммер дастхати билан ниҳоясига етди*.”

Немис тилидаги матн готик услубда ёзилгани боис ўзига хос тарихий маъно касб этади[5]. Тутул бетида қуйидаги ёзувлар бор: Samachschari's goldene Halsbänder (Замахшарийнинг олтин тўплами), янги нашр, арабча ва немисча, Joseph von Hammer,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00911

арабча ёзувли муҳр, нашр жойи: Вена, нашриёт: ношир Gedruckt bey A. Strauss', нашр йили 1835.

Кейинги, яъни иккинчи бетда:

Überſetzung des Siegels auf dem Titelblatte.

Überseßung des Giegels auf dem Titelblatte.

“Сарлавҳа саҳифасидаги мухрнинг таржимаси”.

Mein Begehren iſt nicht Gold,
Um des Nutzens mich zu freuen,
Sondern Ruhm und Ehrenſold,
Der ſich immer ſoll erneuen.

Mein Begehren ist nicht Gold,
um des Nußens mich zu freuen,
Sondern Ruhm und Ehrensold
Der sich immer toll erneuen
“Менинг нафсим олтинмас, кўзим қувонадиган бисот ҳам эмас
Балки ҳамиша янгиланиб турадиган шон ва шарафдур.”

Йозеф Фон Ҳаммер таржимани аввало ўз ҳамқасблари шарқшуносларга мурожаат ва бағишлов билан бошлайди. Бу учинчи бетда ўз аксини топган:

Zueignung.

An alle Orientaliſten

von ihrem Mitgenoſſen, dem Überſetzer.

“Ҳамфикрингиз, мутоалачингиздан барча шарқшуносларга бағишлов!”

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, Йозеф Фон Ҳаммер аллома Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқуз заҳаб фил мавоиъз вал хутаб” асарини немис тилига таржима этиб, алломани ва унинг мазкур асарини бутун ғарб оламига янада машҳур қилди[6]. Мазкур таржима “Samachschari's Goldene Halsbänder” номи остида 1835 йилда Вена шаҳрида А. Штраусс томонидан нашр етилган ва бу нашр ғарбда жуда кенг тарқалиб, Гейнрих Леберехт Флайчер, Густав Вайл ва Барбиер де Мейнард каби немис ва француз олимларининг таржималарига катта туртки ва асос бўлган. Ундан ташқари мазкур нашр Мюнхен шаҳрида 1990-94 йиллар давомида Валтер де Груйтер ГмбҲ & Со.га тегишли К. Г. Саур Верлаг нашриёти томонидан кўп сонли миқдорда микрофильм шаклда кўпайтирилади ва ғарб оламининг турли ва кўп сонли кутубхоналарда жойлаштирилади, жумладан Германиянинг 30 га яқин

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00911

кутубхоналарида, Америка Қўшма Штатларининг 25 дан ортиқ кутубхоналарида, шу билан бирга Канада, Франция, Словения, Исроил, Испания ва Жанубий Африка Республикаси кутубхонларидан жой олган Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқуз заҳаб фил мавоиъз вал хутаб” асари Ғарб олимлари томонидан жаҳон адабиётининг юксак намунаси ва нодир санъат асари сифатида эътироф этилган. Зеро, Американинг Kessinger Publishing нашриёти вакиллари асарнинг қийматини қуйидагича эътироф этадилар: “Ушбу ноёб антик асар улкан маданий мерос бўлгани жиҳатидан уни асл нусхадан факсимил равишда қайта нашр этиш муҳим деб ҳисобладик. Замонавий нашрларда ҳам жаҳон адабиётини ҳимоя қилиш ва асраш ҳамда кенг тарғиб қилиш каби бурч ва мажбуриятларимизни адо этиш мақсадида, бу камёб асарни аслиятига содиқ қолишини назарда тутиб, юқори сифатда лекин барчага ҳамёнбоб ва арзон ҳолда тақдим этдик”[7].

Бобомиз Замахшарийнинг бебаҳо насиҳат ва иршодлардан иборат бу асарига ғарб оламида шунчалик эътибор қаратилиши, албатта, бизда ифтихор туйғусини уйғотади. Боболари билан фахрланган авлод тўғри йўлда эканига шубҳа йўқ. Аммо, ҳали бу йўлнинг бошидир. Эндиликда боболар билан фахрланишдан улар қолдирган маънавий мероснинг ҳақиқий ворисига айланиш вақти етди. Бунинг учун “Атвоқуз заҳаб фил мавоъизи вал хутаб” каби асарларни аслият асосида фундаментал ва комплекс ўрганиш, натижаларни илмий тизимга солиш, қадимий манбаларни тадқиқ қилиш билан боғлиқ умумий қонуниятларни аниқлаш, аниқланган қоидалар доирасида манбашунослик ва матншуносликнинг филологик фанлар тизимидаги ўрнини белгилаш лозим[8]. Шундагина қадимий адабий манбалар бўйича амалга оширилган тадқиқот кейинги тадқиқотлар учун тайёр методик қолип вазифасини ўташи мумкин. Айни пайтда маънавий меросга муносабат масаласи ҳам тўғри ва соғлом ўзанга тушган бўлади.

REFERENCES

1. Д.Фозил Солиҳ Самроий. “Замахшарийнинг наҳвий ва луғавий қарашлари”., Бағдод.: “Матбаатул Иршод”, 1971й. 420 б.
2. Жураев О. Маҳмуд Замахшарий , Т.: “Тафаккур”, 2010.-56б., 3-б.
3. Замахшарий. “Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоиъз вал-хутаб”, Аҳмад Абдут-Таввоб Аваз таҳқиқи, Қоҳира: “Дорул фазилат”, 1994й. 202б.
4. Исламов З.М. «Сочинение «Золотые ожерелья» и его влияние на развитие литературы народов востока» “Социосфера” № 2, 2014.
5. Марказий осиё мутафаккирлари. Тошкент ислом университети, Т.:«yangi nashr», 2011.
6. Мирза Юсуфхон ибн Иътисомул-малик. “Қалоидул адаб фи шарҳи атвоқ уз-заҳаб”, 1314ҳ., Қоҳира: “Мактабутул Азҳария лит-Турос”. 154б.
7. Сулаймонова Н.А. Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Атвоқ-уз-заҳаб» асари // Шар. филологиясининг тугун ва ечимлари. Илмий мақолалар тўплами (ТДШИ). – Тошкент, 2005. – Б. 224-230.
8. ЎзР ФА Шарқшунослик институти “Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоиъз вал-хутаб”№ 16016, №18970 тошбосма нусхалари.